
ФАРФОНА ВА БЕЛАРУСНИНГ ГОМЕЛЬ ВИЛОЯТЛАРИ ЎРТАСИДА “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Кеча вилоят ҳокимининг ўринбосари — вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашев Беларуснинг Гомель вилояти иқтисодиёт қўмитаси раиси Игорь Аслюк билан видеоалоқа орқали мулоқот ўтказди.

Икки томон вакиллари 2019 йилда имзоланган Фарфона вилояти ва Гомель вилояти ўртасидаги келишув меморандумида кўрсатилган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ишларни тизимли йўлга қўйиш учун “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилдилар. Таълим, соғлиқни сақлаш, савдо-иктисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Иқболжон Эргашев Фарфонадан Гомелга текстил-тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш таклифини берган бўлса, ўз навбатида Гомель вилояти иқтисодиёт қўмитаси раиси вилоятимизга қишлоқ хўжалиги техникалари, чорва ҳайвонлари, ёғоч-тахталар етказиб бериш имкониятлари ҳақида маълум қилди.

Тадбиркорлар иштироқида Учкўприк туманида сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона лойиҳасини йўлга қўйиш, мебелчилик яхши ривожланган Бағдод тумани усталарини эса Беларус ёғоч-тахталари билан таъминлаш, Фарфона вилоятида IT-мутахассисларини тайёрлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Шунингдек, мулоқотда икки вилоятдаги мавжуд олий таълим муассасалари ўртасида мустаҳкам алоқаларни боғлаш, туризм йўналишида эса Фарфонага тўғри авиақатновларни амалга ошириш орқали ижобий натижаларга эришиш таклифлари ўртага ташланди.

Якунда билдирилган таклифларни амалий босқичига ўтиш учун икки вилоят делегацияларининг ўзаро ташрифларини амалга оширишга келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-12-12 19:24:16